

**Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида Ўзбекистон  
Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26  
октабр 87-01-822-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш  
вазирлигининг 2018 йил 23 ноябр 18-х-47-сонли хатларининг ижросини  
таъминлаш мақсадида кенгайтирилган йиғилиши**

**БАЁННОМАСИ № 1**

**Тошкент шаҳар**

**09. 01.2019 йил.**

**Қатнашди:**

ТТА жамоатчилик кенгаши раиси- Усмонов Р.Ж.  
ИНИМ бўлим бошлиғи- Ў.М.Миршарапов,  
Жисмоний ва юридик шахсларнинг  
мурожаатлари бўйича масъул - Ф.Тўхтаходжаева  
Лицей директори- Шермуратов А.Р.  
академик лицей жамоасидан иборат бўлган  
ўқитувчилар, жами 43 та.

**Кун тартиби:**

1. Тошкент тиббиёт академиясининг 2018 йил 30 ноябрдаги 719-сонли буйруғини академик лицейида жорий этилиши, Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш.
2. Академик лицей фаолиятида коррупция ва таъмагирликнинг олдини олиш.
3. Академик лицей ўқитувчиларини ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва ижодий ишларига жалб этиш масаласи.
4. Турли хил масалалар.

Йиғилишни Тошкент тиббиёт академияси ИНИМ бўлим бошлиғи- Ў.М.Миршарапов аҳоли билан мулоқотни ташкил этиш ҳамда мурожаатлар билан ишлашда очиклик ва шаффофликни янада кенгроқ таъминлаш мақсадида мурожаатлар билан ишлаш жараёнини ёритилиши кераклиги айтиб ўтилди. Мурожаатларни кўриб чиқиш, уларга ўз вақтида жавоб қайтариш, мурожаатларнинг кўриб чиқилишига бепарво муносабатда бўлмаслик кераклиги академик лицей жамоатчилик кенгаши тушунтирилди. ТТАнинг Жисмоний ва юридик шахс мурожаатлари бўйича масъул Ф.Тўхтаходжаева Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш кераклиги айtilди. Таълим муассасидаги ҳар бир масъул қабулига келган шахс мурожаатлари дафтарда қайд қилиниши кераклиги

айтилди. Масъулларнинг дафтарлари мониторинг қилиниши ва ҳар чорак якуни бўйича ҳисобот топширилиши кераклиги айтилди. ТТА академик лицейнинг жамоатчилик кенгаши раиси раиси Исраилов М. очиб, жамоа аъзоларини ТТА жамоатчилик кенгаши раиси билан таништирди. Шундан сўнг сўз ТТА жамоатчилик кенгаши раиси Усмонов Р.Ж.га берилди. Равшан Жаҳонгирович аввало кун тартиби билан таништириб, ундаги биринчи масалага тўхталдилар. Дедиларки, давлатимизда коррупцияга қарши ҳамisha ҳам курашиб келинган, лекин ҳозирги Президентимиз бундай иллатга қарши курашиш масаласида кескин чораларни белгилаб, бутун жамоатчиликни бундай иллатларга қарши курашга чақирмоқдалар. Ҳатто Олий мажлисда ҳам коррупцияга қарши курашиш кўмитаси ташкил бўлди. Ундан ташқари, бу каби номаъқул ишлар билан давлатимиз ва бутун жамоатчилик қандай шуғулланаётганлиги кундалик оммавий ахборот воситаларида бериб борилаётган ахборотлардан ҳам маълум. Кўриб турибмизки, ушланаётганлар ичида барча соҳа вакиллари, ҳокимлардан тортиб ҳуқуқ тартибот органи ходимларигача, шулар қаторида таълим ходимлари ҳам кам сонни ташкил қилмаяпти. Халқимизнинг анчагина қисми шу каби иллатлар билан шуғилланиб органиб қолган эканки, улар билан курашиш осон бўлмаяпти.

Шундай экан, Сизларни ҳам огоҳлантиришга мажбурмиз. Зора биздан академиямиз жамоасидан чиқмаса. Ушбу масалада таълим муассасаси раҳбариятидан ташқари жамоатчилик кенгашига ҳам катта масъулият юкланади. Нафақат булар бу каби иллат билан барча бирдек курашиши лозим. Шундагина унинг пойи қирқилиши мумкин. Шу билан биргаликда Равшан Жаҳонгирович қандай ҳолларда таъмагирликка йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳолатлар устида ҳам батафсил тўхталдилар ва ҳар бир ўқитувчидан шу ҳақда огоҳлантирилганлигига далил сифатида кафолат хати ёздириб олишни академик лицей жамоатчилик кенгаши раиси Мамараҳим Исраиловичдан сўрадилар.

Академик лицей худудида фанлар бўйича репититорлик қилиш ҳақида ҳам сўз очиб, бундай ишлар ҳам ноқонуний эканлигини эслатиб ўтдилар.

Шу билан биргаликда жамоа аъзолари ичида қандай инсонлар жамоага фойда келтирмаслиги, охир оқибат жамоага фақат зиён етказиши мумкин бўлган характердаги инсонларнинг сифатини санаб ўтиб, бу каби инсонлардан ҳам секин аста бўлса ҳам қутулиш лозимлигини айтиб ўтдилар.

Академик лицей жамоа аъзоларини огоҳлантириб қўйдиларки, академик лицейда тузилган жамоатчилик кенгашининг иши фақат ва фақат назорат бўлиб, жамоанинг ҳар бир аъзоси фаолиятининг ҳар қандай шаклида назорат қилишга ҳуқуқи бор ва керак бўлса шунга масъулдир. Бундай ҳолатларда жамоатчилик кенгаши аъзоларидан хафа бўлиб юриш ярамайди чунки бу уларнинг вазифасига киради, дедилар.

Ушбу масала бўйича тушган саволларга жавоб бериб ўтдилар.

Шундан сўнг иккинчи масалага ўтиб, академик лицейда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ўқитувчи илмий тадқиқот ишлари билан, ҳеч бўлмаганда ўқув-услубий ишлар билан шуғулланиб боришлари шарт деб, бу каби ишлар ўқитувчининг аввало илмий салоҳиятини ва керак бўлса педагогик салоҳиятини оширишга асос бўлишини айтиб ўтдилар. Шу билан биргаликда академик лицейда фаолият кўрсатаётган илмий даражага эга бўлган ўқитувчиларни номма ном санаб ўтиб, бу инсонларнинг ҳозирги кунда ҳам қандай ижодий ишлар билан шуғулланиб келаётганлигини, улар томонидан ҳатто дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам ёзилиб, чоп этилаётганлигини санаб ўтиб, ўрнатилган сифатида айтиб ўтдилар. Шундан сўнг нисбатан ёш ўқитувчилар устида тўхталиб, ҳар бирининг қандай ижодий-илмий-услубий ишлар билан шуғулланаётганлигини сўраб ўтдилар ва уларнинг бу каби ишлар билан ҳам шуғулланиш бўйича ваъдаларини олдилар. Бу соҳада ҳам “Устоз-шогирд” анъанасини қўллаш мумкинлиги эслатилди. Бугунги кунга келиб олий таълимда илмий даража ва илмий унвонга эга профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақиқа оддий ўқитувчиларга нисбатан каттарок қўшича қўшилаётганлиги, уларнинг иш ҳақиқидаги фарқ катта суммани ташкил қилаётганлигини айтиб ўтиб, худди шу амалиёт яқин йилларда академик лицейларда ҳам жорий қилиниши ҳеч гап эмас, дедилар.

Ушбу масала бўйича тушган саволларга ҳам жавоб бериб ўтдилар.

Йиғилиш сўнгида сўзни академик лицей жамоатчилиги кенгаши раиси Мамарахим Исраилович олиб, Равшан Жаҳонгировичга ўз миннатдорчилигини билдириб ўтдилар ва қимматли вақтини аямасдан академик лицейга келиб, мана шундай долзарб масалалар бўйича жамоа аъзоларини ўз вақтида огоҳлантирганликлари ва илмий-услубий-ижодий ишларнинг аҳамияти ҳақида жамоа аъзоларини воқиф қилганликлари учун бутун жамоа аъзолари номидан раҳмат айтдилар.

Шу билан биргаликда академик лицейдан кутилаётган асосий натижа-бу битирувчиларнинг олий таълимга кириш кўрсаткичи бўлиб, уни яхшилаш йўлида барча имкониятларни ишга солиш кераклиги айтиб ўтилди.

**ИНИМ бўлим бошлиғи**

**Ў.М.Миршаропов**

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг  
мурожаатлари бўйича масъул**

**Ф.Тўхтаходжаева**

**ЎИБДЎринбосари**

**М.С.Эргашев**

**Бўлим бошлиғи**

**С.А.Расулова**



